

асослантилган ҳолда имзолаш рад этилмаса, Ижрочи ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади ва Буюртмачида амалга оширилган ишлар доирасида Ижрочиға тўловни амалга ошириш мажбурияти пайдо бўлади.

2.3. Шартноманинг 2.2-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилишни рад этиш ҳолати юз берганда Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилган далолатнома тузилади.

2.4. Ҳисоб-фактура Буюртмачи ва Ижрочи томонидан амалдаги қонунчилик талаблари асосида имзоланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартномада назарда тутилган техник ишларни амалга оширилганлик учун абонентлик тўлови **2022 йил 1-чорақ учун** жами ҚҚС сиз **9 000 000 (тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади. Шартноманинг умумий миқдори бўйича хар ойлик тўлов ҚҚС сиз **2 100 000 (икки миллион юз минг)** сўмни ташкил қилади.

3.2. Шартнома бўйича тўлов Буюртмачининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги ҳисоб рақами орқали пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.2.1. Буюртмачи дастлабки тўлов сифатида абонентлик тўловининг 30%ни, яъни ҚҚС сиз **2 700 000 (икки миллион етти юз минг)** сўмни шартнома Молия вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб беради.

3.2.2. Шартнома бўйича кейинги тўловлар ойма-ой Буюртмачи томонидан абонентлик тўловининг 70% миқдорида Ижрочи томонидан ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни мобайнида Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади,

3.2.3. Шартномада назарда тутилган ишлар якунида Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома доирасида ҳисоб-китоблар солиштирувини амалга оширишлари мумкин. Ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси Ижрочи томонидан Буюртмачи сўровига мувофиқ тақдим этилади.

3.3. Ижрочининг ҳисоб рақамига дастлабки тўлов келиб тушган сана хизматлар кўрсатишни бошлаш санаси ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Буюртмачи ҳуқуқлари:

4.1.1. Ижрочидан мазкур Шартнома бўйича олинган мажбуриятларни шартнома шартларига ва шартномада белгиланган муддатларга амал қилишини талаб қилиш;

4.1.2. Ижрочи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириш ва камчиликларни беғараз бартараф этишни талаб қилиш;

4.1.3. Ижрочи мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда, ишларни молиялаштиришни тўхтатиш;

4.1.4. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

4.1.5. Тизимни такомиллаштириш ва янгилаш бўйича Ижрочиға таклифлар киритиш.

4.2. Ижрочи ҳуқуқлари:

4.2.1. Буюртмачи томонидан ҳисоб-фактураси, камчиликларни бартараф этиш далолатномаси вақтида кўриб чиқилмаган ёки вақтида пул маблағлари ўрнатилган тартибда ўтказилмаган ҳолларда ишларни амалга оширишни тўхтатиб туриш, шартномани бекор қилишни талаб қилиш;

4.2.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни - субижрочиларни жалб қилиш;

4.2.3. Тизимнинг барқарор ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган фойдаланувчиларни Тизимдан ўчириш.